

# Халқ сўзи


Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 12 февраль, № 30 (3575)

Шанба



## Маҳаллий хомашё ҳисобига



Телекоммуникация соҳасини кабель маҳсулотларисиз тасавур этиш қийин. Шунинг билан, Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси жамоаси ҳар йили 10 миллиард сўмликдан ортиқ 25 турдаги кабелларни ишлаб чиқариб, шартнома асосида истеъмолчиларга етказиб бermoқда.

Ушбу корхонада ҳозир 1200 нафар ишчи-ҳизматчи меҳнат қилмоқда. Яқинда улар сафига яна 30 киши қўшилиди. Танлов асосида ишга қабул қилинган бу ишчилар маҳаллий хомашё ҳисобига автомобиллар учун электр симлари ишлаб чиқарилади.

**СУРАТЛАРДА:** қўшма корхона биносининг ташқи кўриниши; телефон кабеллари ишлаб чиқариш цехида; сям ўрочи Абдулаҳад Отажонов.

**Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА)**  
олган суратлар.



## Ўзбек халқи муносиб келажак яратишга қодир

«Жаҳон» ахборот агентлигига Лювен католик университети (Бельгия) профессори, Европа иттифоқи эксперти Роман Якимчукдан мақола келди. Муаллиф унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасида кўтарилган масалаларга ўз муносабатини билдирган. Қуйида мақола қисқартirilган кўринишда эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасида парламент ислохотлари ақнидан келиб чиқадиган вазифалар батафсил таҳлил қилинган ва ҳукуматнинг истиқболдаги асосий фаолият йўналишлари белгилаб берилган. Президент И.А.Каримовнинг муштақил Ўзбекистонни ривож топтиришда тугган муҳим ўрни, унинг мамлакат сийёсий ва иқтисодий ҳаётига оид чуқур билими ва тажрибаси ушбу ҳужжатга биринчи даражали дозалар билан руҳини беради. Қонунчилик ҳокимиятини муштақамлаш, маҳаллий ҳокимиятларнинг тобора ошиб бораётган мавқенинг тан олиниши ва бу

борада Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор. Узок муддатли бўлган мазкур жараён ҳаётга факат босқич-босқич татбиқ этилиши мумкин. Қонунлар ва қарорлар қабул қилиш билангина бунга эришиб бўлмайди. Сийёсий ҳокимиятнинг янги кўринишлари халқда янги-янги менталитет, янги фикр-файл жараёнини тарбиялайди. Бу эса вақт билан боғлиқ масала ва мазкур йўналишда фурсатдан аввал от қамчилашга ўрин йўқ. Ўзбек халқи дунёқарабини эътиборга олиш керак. Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида таъкидлаганидек, ҳамма ерда ва ҳаммиша қўласа бўладиган

универсал моделнинг ўзи йўқ. Ўзбек халқининг ўзига хослиги унинг қадимий тарихи, анъаналари ва урф-одатлари, диний қарашлари билан боғлиқ. Ўзбекистонда қонунчилик ҳокимиятини муштақамлаш билан бир қаторда, ушбу мамлакат ҳар қандай вазиятда тезкорлик билан қарорлар қабул қила оладиган ва уларни бажаришга қодир ижро ҳокимиятига ҳам муҳтожлигини эсдан чиқармаслик керак. Ижро ҳокимияти халфат ўрнатилган интилаётган диний фундаментализмга қарши қатъий курашмоғи лозим. Террорчилик ҳаракатларини ҳеч қандай баҳона, ҳеч қандай сийёсий мақсад оқлай олмайди. Ижро ҳокимияти

терроризмга қарши курашда бирлаштиручи ва олға чорловчи роль ўйнаши керак. Бу эса демократиянинг қандай талаблар қўйишидан қатъи назар терроризмга қарши кураш биринчи даражали аҳамиятга эга эканини англатади. Терроризм ҳавфи Марказий Осиё учун Европага нисбатан анча юқори. Чунки Европада террорчилар беғуноҳ кишиларни қурбон қилаётган бўлса, Марказий Осиёда улар ўз олдида давлат тизимини тўнтариниш мақсад қилиб олишган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш бўйича кўтарган долзарб ташаббусига келсак, Европа ҳамжамияти таърибаси минтақавий ҳамкорлик мураккаб жараён экани, бунда давлатлар баъзи бир мақсадлардан воз кечишига тўғри келиши, уларни мураккаб танлов олдида қўйишни кўрсатгани

ни таъкидламоқчиман. Ўзбекистондаги аҳоли ўсиш кўрсаткичлари ижобий аҳамиятга эгаллиги билан бир қаторда маълум муаммоларни ҳам тугдиради. Ўзбекистон бозори ҳар йили минглаб ёш куч билан тўлмоқда. Ўзбекистон иқтисодий олдиде янги ишчи ўринлари яратиш, янги корхоналар ташкил қилиш, мамлакат экспорт салоҳияти ва сийёсий бизнесини ривожлантиришдек ўта муҳим вазифалар турибди. Мен келажакка катта ишонч билан боқаман. Бу ишончнинг ўзбек миллатининг аҳойиб хислатлари оқламоқда. Ўзбеклар оқил ва меҳнатқаш, хоржиликларга нисбатан доимо меҳмондўст. Шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Рустам Қосимжонов ўзбеклар катта интеллектуал салоҳиятга эгаллиги, фан ва юқори технологиялар соҳаларида улкан муваффақиятларга эриши олишини яна бир бор исботлади. Ўзбек халқининг муносиб келажак яратишга қодирлигига ишончим комил!

«Жаҳон» АА.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмининг такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базасини муштақамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тарифлар ва уй-жай-коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси (бундан бунён матнда Комиссия деб юртилади) ташкил этилсин. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин: коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришга, ушбу соҳада хусусий корхоналарни ривожлантиришга қўмаклашиш; коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилашда харажатлар таркибини йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб бориш; ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда улар исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш; тасдиқланган дастурга мувофиқ коммунал хизматларни яқна ва умумфойдаланиладиган тартибда ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш; ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қилиш ва назорат ўрнатишни ташкил этиш.
2. Белгилаб қўйилсинки: барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун календар ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт; шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддат ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдориде, аммо 50

фоиздан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади; коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади; газ ва сув тармоқлариға ўзбошимчилик билан уланган олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашушга йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жинойий жавобгарликка тортилмади.

3. Белгилансинки, 2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жайлар ичидеги сув ўтказгичлари, канализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жай мулкдорлари ширкатлари (УМШ)да жамланган уй-жай мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва тегишли равишда, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергиясини етказиб бериш корхоналарининг харажатларига киритилмади.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕХНИКА КЎКЛАМГА ШАЙМИ?



**НУКУС (ЎЗА МУХБИРИ А. ОРТИҚБОЕВ).** Баҳорни илҳақ кутаётган деҳқонларимиз экиш мавсумига тарадудуни бўшатишмаётми. Техникани таъмирлаш, ишга шайлаш алоҳида диққат марказида. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларидан иборат гуруҳ аъзолари

Амударё тумани деҳқонларининг баҳорги экиш мавсумига тайёргарлигини кўриқдан ўтказди. Туманда бу йил 147 ҳайдов трактори далага чиқарилади. Мавсумда 157 омиқ, 66 мола, 235 сеялка ишлатилади. Техникани таъмирлашга масъулият билан ёндашган хўжалиқларда бу иш аллақачон тугалланган. Аммо, «Туркманистон», «Мангит», «Қиличбой» каби хўжалиқларда таъмирлаш ишлари пайсалга солинмоқда. Таъмирловчиларга зарур шарт-шароитлар яратилмаган, эҳтиёт қисмлар етишмайди. Туманда текшириш натижалари муҳокама қилиниб, қўкламиг экишга тайёргарлиқни тезлаштиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилди.

### Хушхабар

#### Исроилова совриндорлар сафига

Буюк Британияда теннис бўйича аёллар ўртасида ITF туркумига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Иванна Исроилова муваффақиятли иштирок этди. Мусобақада Россия, Украина, Буюк Британия, Голландия, Ирландия, Германия, Латвия, Бельгия, Болгария, Швеция, Франция, Жанубий Африка, Австралия, Беларусь ва Ўзбекистондан уттиз икки нафар теннисчи ғолиблик учун баҳс юртишди. Иванна биринчи босқичда мусобақа мезбони Наташа Хани доғда қолдириб кейинги босқичга йўлланма олди. Сунгра Германиялик Диана Врансину, британиялик Сара Борвел ва украиналик Юлия Устюжаниналарни мағлуб этиб, финалгача етиб келди. Фақат халқ қилувчи баҳсда яна бир британиялик номдор теннисчи Кейти О'Брайнга имкониятини бой бериб, фахли иккинчи ўринни қўлга киритди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

## Жойлардан хабарлар

### «Дамас»лар — тиббий хизматга

Андижон вилояти ҳокимлиги шаҳар ва туман марказларидан тортиб олис қишлоқларда ҳам шифохоналар учун кўркам бинолар қуриш, уларни энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга эътибор қаратмоқда. Кейинги бир йилнинг ўзида Андижон, Избоскан, Шахрихон туманларида қатор ҚВЛлари барпо этилди. Андижон, Асака шаҳарларидаги туғруқхоналар тўла таъмирланиб, кўркам биноларга айлантилди. Ҳокимлик куни-кеча тиббиёт тизимига яна 5 та «Дамас» ажратилган қарор қилди. Улардан 2 таси соғлиқни сақлаш бошқармасига, яна шунчаси Андижон давлат тиббиёт институтига ва биттаси санитария-эпидемиология назорати маркази ихтиёрига топширилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Шахрисабз туманидаги 92-мактабда ўқувчиларни касб-хўнарга йўналтириш соҳасида бой тажриба тўплаган.

### Энг намунали мактаб

Тикувчилик, зардўзлик, сартарошлик, дурадгорлик, рассомчилик туғаракларининг иши яхши йўлга қўйилганлиги ҳам ёшларнинг касб танлашларида муҳим омил бўлмоқда. Яқинда мактаб жамоаси ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Бу таълим маскани ўқувчиларни касб-хўнарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати йўлга қўйиш бўйича мамлакатда энг намунали мактаб, деб тан олинди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «Халқ сўзи» назоратида

## Таъмирлашга киришилди

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий ёдгорликларни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Чуст» махсус таъмирлаш бошқармаси томонидан таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Бу ишларни молиялаштиришга маҳаллий бюджет ва ҳокимийлик маблағларини жалб этиш режалаштирилган. Мазкур ишларнинг бажарилишини назорат қилиш ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида кунлик муҳокамалар ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда мадраса олдидаги майдондан савдо расталари тўла қўчирилиб, бинонинг олди қисминини таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

## Жаҳон 24 соат ичиде

### Афғонистонга яна ҳарбийлар жўнатилади

НАТОга аъзо мамлакатлар мудофаа вазирлари томонидан Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар сонини ошириш ҳақидаги таклиф маъқулланди. Энди альянснинг тинчликпарвар амалиётлари Хирот ҳамда Афғонистоннинг яна уч шаҳрида ҳам олиб борилади. Бу қарорни ташкилот бош котиби Яап де Хооп Схеппер Ниццедаги музокаралар чоғида маълум қилди. Айни пайтда Афғонистонда 30 мамлакатдан келган 8500 нафар НАТО аскарлари бор.

### Мудофаа вазири Ироқда

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Ироққа ташриф буюрди. Бу кутилмаган сафардан қўзланган мақсад Ироқ ҳавфсизлик кучларининг тайёргарлик даражаси билан танишиш ва мамлакат қўмондонлиги билан музокаралар ўтказишдир. Рамсфелд сафарини Мосул шаҳридан бошлади. Бу

АҚШ ҳарбий вазирининг мазкур мамлакатга қилаётган саккизинчи ташрифидир.

### Журналистнинг жони қил устида

Италиялик журналист Жулиана Сгрениани ўғирлаб кетган Ироқ жангарилари гуруҳи — «Ислам жиҳоди ташкилоти» Италия ҳукуматиға янги талаб қўйди, деб хабар беради France Press ахборот агентлиги. Интернет сайтлардан бирида эълон қилинган талабда айтилишича, Ита-



лия 48 соат ичиде ўз қўшинларини Ироқдан олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Шунданга террорчилар журналист аёлининг тақдир ҳақида бирор маълумот бериши мумкин. Ушбу хатнинг ҳақиқийлиги ҳозирча аниқланган йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Коммунал хизматлар тарифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давомий. Боши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармонида мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига жорий этилсин.

қабул қилинсин. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассалари четлаб мустақил йиғиш таққилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х.Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзкомунхизмат" Агенглиги, "Ўзбекэнерго" ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта кўриб чиқсин ва икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, "Давархитектурлиш" қўмитаси, "Ерғодез-қадаст" Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда бўш турган эғасиз уй-жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

прокуратураси, Давлат мулк қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда суд органлари ушбу қарор ижроси бўйича қабул қилган қарорларни суд ижросилари томонидан ижро этиш тартиби тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда: уй-жой коммунал соҳасидаги норматив-ҳуқуқий бошқариш аввало қонун ҳужжатлари билан амалга оширилишини назарда тутилган ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларини танқидий қайта кўриб чиқсин ва уларни кескин қайта кўриш чораларини кўрсин;

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2005 йил 11 февраль.

Бугуннинг гапи

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни маҳаллий хомашдан тайёрлашни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт ҳажмини ошириш, халқро бозорга чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мўҳим ўрин тутди. Бунда, шубҳасиз, қўшма корхоналар ташкил этиш, улар фаолиятини яхшилаш муваффақиятлар гарови ҳисобланади. Ҳозир юртимизда ана шу йўлдан дадил қадамлар қўйилмоқда.

Қўшма корхоналар ўзини оқлаётими?

Шаҳар-қишлоқларида қўшма корхоналар ишлаб турибди. Хоразм вилоятида ҳам бу борда катта ишлар қилинаётган. Масалан, ўтган йили «Боттектисл» ва «Шовотекс» қўшма корхоналари ишга туширилди. Шунингдек, алқоғлиқ инвестиция иштирокидаги «Урганч» ҳиссдорлик жамияти ҳам тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлади. «Гурлан Дора ЛТД» Ўзбекистон — Польша, «Хоразм машинасозлик компанияси» Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналари эса ҳадемай фойдаланишга топширилди. Уларнинг биринчи бўлган трикотаж маҳсулотлари тайёрлана, иккинчисида гидравлик экскаваторлар ишлаб чиқарилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида тинмай изланиш, корхонани ривожлантириш бўйича бизнес режаларини ишлаб чиқиш, жаҳон бозорига чиқиш учун қайғуриш лозим эди-ку. Энг ачинарлиси, вилоятда фойдаланишга топширилган 29 та қўшма корхонадан 8 тасида ҳали маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Бултур вилоятдаги саннат корхоналари томонидан 22 миллиард 328 миллион 66 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. 2003 йилга нисбатан экспорт ҳажми 146,3 фоизни ташкил этди. Ана шундай бир пайтда вилоят экспортда қўшма корхоналар улуши 7,3 фоиздан ошмади. Вилот экспорт дастурига киритилган қўшма корхоналар 3 миллион 775,2 минг АҚШ долларини маҳсулот экспорт қилишга эришдилар, холос.

Воҳода бир неча йиллардан бун фаолият кўрсатиб келатган «Хива қарпэт», «УНИХО», «Хоразм-Нуртоп» каби қўшма корхоналар, шубҳасиз, вилоят иқтисодиётини юксалтиришга, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Аммо ҳали бундай корхоналар сони етарли даражада эмас. Баъзи туманларда ханузгача биронта ҳам қўшма корхона очилмаган. Боз устига, рўйхатдан ўтказилган 38 та қўшма корхонадан 9 таси турли сабабга қўра, вақтинча тўхтатиб қўйилган. Айримлари бунга экспорт шартномалари йўқлигини ёки молиявий қийинчиликларни, хомашё ва бўтувчи қисмлар етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатсалар, бошқалари инвесторлар билан алоқалар узулиб қолганини, инвесторлар шартнома мажбуриятларини бажармаётганини баҳона қиладилар.

«Мева», «Семурғ-Сан-Те» қўшма корхоналаридаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. «Мева» қўшма корхонаси нон-неъматларини, «Семурғ Сан-Те» эса терини қайта ишлашга иктиссослашган. Ававал бошда иккаласининг ҳам ишлари бинойидек кетаётганди. Лекин тўла қувватда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш имкониятидан фойдаланилмаётгани, ташқи бозор талаблари ҳисобга олинмагани тўғрисида молиявий танглик рўй берди. Айниқса, маркетинг изланишлари талаб даражаси-

да олиб борилмагани, маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ва экспорт бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмагани ушбу корхоналар ишга панд кунда банк кредити бўйича мuddати ўтган қарзлар миқдори 11 млн. 482 минг АҚШ доллариға етди. Бултур вилоятдаги саннат корхоналари томонидан 22 миллиард 328 миллион 66 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. 2003 йилга нисбатан экспорт ҳажми 146,3 фоизни ташкил этди. Ана шундай бир пайтда вилоят экспортда қўшма корхоналар улуши 7,3 фоиздан ошмади. Вилот экспорт дастурига киритилган қўшма корхоналар 3 миллион 775,2 минг АҚШ долларини маҳсулот экспорт қилишга эришдилар, холос.

Хабарлар оқимидан

Танлов тақдироти

Миллий матбуот марказида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларида экология ва саломатлик мавзуларини ёритиш бўйича энг яхши журналист иши учун республика кўриктанловининг тақдироти бўлиб ўтди. «Экосан» халқро ташкилоти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Уятелерадиокомпания, шунингдек, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан таъсис этилган ушбу танлов «Сихат-саломатлик йили» доирасида ўтказилди.



Сирдарё вилояти маркази Гулистоннинг маҳалла қисмида Мухаббат Атаева исми тадбиркор аёл яшайди. Олани катталардан кўра бошқариб яхши билади. Сабаби — она ташкил этган «Моҳира» ўқув маркази чеварлари асосан болалар учун юмшоқ ўйинчоқлар тикшилади. Хориздан келтирилган маҳсулотлар билан белаша оладиган ўйинчоқлар нафақат сифати, балки арзонлиги билан ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. СУРАТДА: «Ташаббус-2004» нинг «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси гояли Мухаббат Атаева ёш чеварлар билан. Мухаммад КАРИМ олган сурат.

М. ХОЛМАТОВА.

Даромадан буромад

Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номи ширкат хўжалиги ўтган йили пахта ва будой етиштириш бўйича йиллик шартномавий режани орғиға билан бажариб, 181 миллион сўм соф фойда билан чиқди, — деб хабар қилади «Туркистон-пресс» мухбири. Мазкур ширкат қатор йиллардан бун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда юқори натижаларга эришмоқда. Бурноғи йили хўжалик қўлга киритган даромадан икки-уч дала шйпони, янги маъмурият биноси, бешта гузар, иккита мактаб ва болалар боғчасини қуриб фойдаланишга топширди. Шунингдек, бир неча йиллардан бун ширкат хўжалиги аъзолари электр энергия ва табиий газ учун тўловларини хўжалик ҳисобидан тўламоқда.

Банк тизими

Юртбошимиз Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ва мавжуд муаммоларга алоҳида тўхталиб, бунинг асл сабабларини чуқур таҳлил этди, камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берди. Жумладан, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш ва уларни ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 85,5 мингта фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда яна минглаб фермер хўжаликларини ташкил этилади. Уларнинг қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўрин эгаллашида, шубҳасиз, банк тизимининг ҳам ўрни беқийсдир.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижалари кўп жиҳатдан табиий шарт-шароитлар таъсирига боғлиқ. Юртбошимиз таъкидлаганидек, таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий қонунлар харақати доимий равишда табиат қонунлари харақатига тўқнаш келади. Устига-устак, қишлоқ хўжалигида маблағларнинг айланиши мuddати бошқа тармоқлардагига нисбатан узок. Қишлоқ хўжалигининг мавсумий харақатлари ҳамда бу билан боғлиқ ишлаб чиқариш харақатлари йил давомида амалга оширилиши, унинг натижалари эса якунда қўлга киритилиши хўжаликлар маблағларини айланиш даврининг қўзилиб кетишига олиб келади. Бу ўз навбатида объектив равишда қишлоқ хўжалиги корхоналари айланма маблағларининг вақтинча етишмаслигига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ушбу хусусияти хўжалик олинган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида фермерларга бўлгуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш лозимлиги уқтирилди. Шу ўринда мазкур масалани сал кенг-роқ ва диалектик ривожланишда кўриб чиқиш адолатли бўлса керак. Чунки ушбу соҳани мулкчилик шакли аниқ бўлмаган тарқоқ ҳолатдан уюшган мулкча эгаллик ҳисси туғилган даражада ривожлантириш концепцияси ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган. Бугун қишлоқ хўжалигида ислохотлар янги бир поғонада амалга оширилмоқдаки, тармоқни молиялаштириш мақсатида банк кредити босқичма-босқич қилинмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарорига асосан, дастлаб Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятлари фермер хўжаликларини давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта ва галла хомашсини тайёрлашни имтиёзли кредитлаш тизими синов сифатида

жорий этилиб, 16,7 млрд. сўм миқдоридан кредит берилди. 2004 йилда эса ушбу тажриба Андижон, Жиззах, Навоий ва Самарқанд вилоятларининг фермер хўжаликларига ҳам татбиқ қилиниб, жами 68,8 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Ана шу тажриба натижалари ҳукуматимиз ва республика Марказий банки томонидан чуқур таҳлил этилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди ва кредитлаш қондалари тақомиллаштирилди. Умуман, 2003-2004 йиллар мобайнида фермер хўжаликларининг галла ва пахта етиштириш билан боғлиқ харақатларини марказлаштирилган траншлар орқали бунлашадан банк кредитлари орқали молиялаштириш афзалликлари намойён бўлди. Ҳўш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бунлашадан кредитлашга ўтиш қишлоқ хўжалиги корхоналарига, аввало, фермер хўжаликларига нима берди? Икки йиллик тажриба таҳлилларини шуни кўрсатмоқдаки, бу тадбирлар, биринчи навбатда, фермер хўжаликларига кредит маблағларини ўзларининг ишлаб чиқариш агротехникасига мос равишда сарфлаш имкониятига эга бўлишларига олиб келди. Натижада ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, харақатларини тежаш, ортика сарф-харақатларига чек қўйишга эришилди, маҳсулот таннарихини кескин пастайтириш мумкин бўлди. Чунки энди фермер банкка кредит ҳисобидан бирон-бир харақат учун тўловни амалга оширишдан олдин унинг ҳисоб-китобини қилади. Масалан, ерни шуд-горлаш учун МТПга пул ўтказган маълумки ёки ундан арзонроқ тушадиган муқобил МТПгами? Ёки ҳайдов тракторини мавжуд қўшни фермер хўжалиги билан шартнома тузиб, пул ўтказиб бериш арзонга тушадики? Ишга бундай ёндашув охири-оқибатда қишлоқ хўжалиги тузилмалари ўртасида соғлом рақобат муносабатини шаклланишига олиб келмоқда. Иккинчидан, 2003 йилда ушбу кредитлар йиллик 5 фоиз устамга билан берилган, уларнинг қайтарилишмаслик хата-

рини фермер хўжаликлари ўз ҳисобларидан 2,5 фоиз билан суғурта қилган эдилар. Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш тартибини жойларда тушунтириш бўйича республика Марказий банки томонидан ўтказилган семинарларда фермерлар кредитнинг қайтармаслигини тижорат банклари томонидан суғурталаш тақлифини берганликларини инобатга олиб, Марказий банк амалдаги йўриқномаларга ўзгартириш киритди. Янги тартибга биноан, 2004 йилдан бошлаб кредитларни қайтармаслик хатарини тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган бўлди. Натижада фермер хўжаликлари томони-

қишлоқ хўжаликлари ҳамда пахта етиштирувчи ширкат хўжаликларининг экинларини парваришлаб, ҳосил етиштириш билан боғлиқ харақатлари банк кредитлари ҳисобига молиялаштирилмайдиган бўлди. Умумий ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йилда шу соҳага жами 300 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредит берилиши мўлжалланган. Ҳозиргача бу маблағнинг 17 млрд. сўми галла етиштирувчи фермер хўжаликларига берилди. Давлат эҳтиёжлари учун галла етиштирувчи ширкат хўжаликлари эса янги тартибга 2006 йилдан бошлаб ўтади. Белгиланган тартибга қўра, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхонасига кредитлар «Узпахтасаноат» уюш-

фоиз ставкаларидан 6 марта камдир. Бундан ташқари, 2003-2004 йилларда айрим вилоятларда амалга оширилган мазкур кредитлаш тажрибаси галла етиштириш харақатларини молиялаштириш учун фермер хўжалигига берилган кредитлар асосан июль-август ойларида тўлиқ қайтарилишини кўрсатди. Бу ҳолат шунин билдирадики, галла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари олинган кредит учун устамга фоизини 12 ой учун эмас, балки узоғи билан 7-8 ой учун тўлайдилар. Шунинг эътибор қилиниши хўжаликларга янада арзонроқ қайтарилиш далолат беради. Фермер ва ширкат хўжаликларининг галла ва пахта етиштириш харақатлари-

ни молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар бериш тартиби нийҳоятда соддалаштирилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари мазкур кредитларини олиш учун уларнинг қайтарилиш мўлдатинини тақдим этишдан ҳам озод этилган. Эндиликда берилган кредитларнинг таъминоти сифатида уларни қайтарилма-лик хатарини суғурталашни тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган бўлди. Бунинг учун тижорат банклари «Узросуғурта» компанияси билан тегишли суғурта шартномасини тузади. Бу эса, қишлоқ-китобларга қараганда, биргина 2005 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тахминан 3 млрд. сўм маблағи тежаллишига олиб келади. Бундан ташқари, фермер хўжаликларини ривожлантириш учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, улар учун тижорат банкларининг кредит маблағларидан фойдаланишининг кенг имкониятларини яратиш мақсатида Марказий банк «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлгуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» ишлаб чиқиб, 2004 йил апрель ойидан амалга киритди.

Қишлоқ хўжалиги:

КРЕДИТЛАШДА

маси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси корхоналари билан тузилган контрактация шартномаларида белгиланган давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажминини қийматидан келиб чиқиб, пахта хомашёсини ва галланинг 50 фоизигача миқдоридан берилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг пахта ва галла етиштириш харақатларини тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш тартибининг мўҳим хусусияти шундаки, ҳар бир экиндан ҳосил етиштириш харақатларини молиялаштириш учун берилмайдиган кредитларнинг мuddатлари ва миқдорлари жорий йилга тасдиқланмайдиган агротехкарталар асосида белгиланади. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шунки, фермер хўжаликларини ва қишлоқ хўжалиги ширкатларининг агротехника тадбирлари асосида экинларни ўстириб, ҳосил етиштириш жараёни узулксиз ва доимий асосда маблағ билан таъминланади. Кредитларнинг қайтарилиши учун белгиланган мuddатлар, Марказий банк ва Молия вазирлиги мутахассисларининг ҳулосаларига қўра, тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулотини бўйича хўжаликлар билан якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилгунча, галла етиштирувчи фермерларга 12 ой, пахта хомашё етиштирувчи хўжаликларга 18 ой этиб белгиланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур кредитлар имтиёзли бўлиб, уларнинг фоиз ставкаси йиллик 3 фоиз миқдоридан белгиланган. Бу банкларро кредит бозорида бугунги кунда шаклланган

ни молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар бериш тартиби нийҳоятда соддалаштирилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари мазкур кредитларини олиш учун уларнинг қайтарилиш мўлдатинини тақдим этишдан ҳам озод этилган. Эндиликда берилган кредитларнинг таъминоти сифатида уларни қайтарилма-лик хатарини суғурталашни тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган бўлди. Бунинг учун тижорат банклари «Узросуғурта» компанияси билан тегишли суғурта шартномасини тузади. Бу эса, қишлоқ-китобларга қараганда, биргина 2005 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тахминан 3 млрд. сўм маблағи тежаллишига олиб келади. Бундан ташқари, фермер хўжаликларини ривожлантириш учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, улар учун тижорат банкларининг кредит маблағларидан фойдаланишининг кенг имкониятларини яратиш мақсатида Марказий банк «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлгуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» ишлаб чиқиб, 2004 йил апрель ойидан амалга киритди.

Мазкур Низомнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижада фермер хўжаликлари галла ва пахта етиштириш харақатлари билан бирга уларни йиғиб олиш ҳамда қўшимча минерал ўғит ёки ёнғил қотиб олишни ҳам кредит ҳисобига бажарадиган бўлдилар. Ушбу кредитлар эса уларга 1,5 йилгача мuddатга берилади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ОРИФ АЛИМАХСУМОВ

махсумовни 78 ёшида орамиздан олиб кетди. Ориф Алимахсумов 1927 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1967-1975 йилларда Тошкент театр санъати институти ҳамда Тошкент Давлат консерваториясини тамомлаб, Ўзбекистон "Телерадио" компаниясида ўз ижодий фаолиятини халқ чолғу оркестрида хонандаликдан бошлади.

Кейинчалик узоқ йиллар давомида "Мақом" ансамблининг бадий раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. Унинг ижросидаги "Чўли ирок", "Сўлим", "Айлағач", "Сарахбори бузрук" каби қўшиқлар мумтоз санъатимизнинг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган. Санъатор ўлмас миллий меросимиз бўлиши

"Шашмақом"ни магнит тасмасига ёзиб олиш, халқимиз орасида ва чет элларда кенг тарғиб этиш ишига ҳам катта ҳисса қўшди. Кўплаб ёш ижрочиларга ўзининг билим ва тажрибасини ўргатиб, устозлик қилди. Ориф Алимахсумов-

нинг эл-юртимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони, "Соғлом авлод учун" ва "Эл-юрт хурмати" орденлари билан мукофотланган эди. Моҳир санъаткор, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ориф Алимахсумовнинг хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, М. ШАРИФҲЎЖАЕВ, Ш. МИРЗИЕВ, Х. СУЛТОНОВ, А. АЗИЗҲЎЖАЕВ, А. КҮЧИМОВ, А. ИСМОИЛОВ.

Тинчлик битимига соя

Фаластин раҳбари Махмуд Аббос ва Исроил Бош вазири Ариэль Шарон томонидан Мисрнинг Шарм-ал-Шайх шаҳрида имзоланган тинчлик битимини ҳаётга татбиқ қилиш хавф остида қолмоқда. Бунга ҳудуддаги ХАМАС радикал гуруҳининг яхдудийлар яшайдиган аҳоли пунктларига «Кассам» ракеталари ва 25 га яқин миномёт бомбаси отгани сабаб бўлди. ХАМАС вакиллари бу ҳужумни исроиллик ҳарбийларнинг бир фаластинликни оғир ярадор қилганига (кейинчалик у вафот этган) жавоб деб айтишмоқда. Кеча ҳамасчилар ҳужумларини давом эттиришди.

Шайх шартномаси фақат Фаластин ҳукуматининг манфаатларига жавоб бериши ва уни гуруҳлар тан олмаслигини маълум қилишганди. Кузатувчилар ХАМАС бу чиқишлари билан Фаластин ҳукуматига ҳудудда «Ким ҳўжайин» эканини кўрсатиб қўймоқчи бўлишди, деб таъкидлашаётди. Naaret'z газетасининг хабар беришича, кеча ХА-



дан озод қилди. Шунингдек, Фаластин раҳбари Мухторият хавфсизлик кучларига исроилликлар-

Президент шифохонада


Коста-Рика президенти Абель Пачеко кўрагида оғриқ пайдо бўлиб, ҳолсизланганиги сабабли шифохонага ётқизилди. Унинг маъмуриятдан олинган маълумотларга кўра, Пачеко Сан-Хоседаги «Кальдерон Гуардия» шифохонасига жойлаштирилган. Президент шахсий шифохорининг айтишича, Пачеко ҳозир анчайин қониқарли аҳволда ва хавотирланишга ўрин йўқ.

Мамлакат тарихидаги илк сайловлар

Саудия Арабистонида биринчи марта муниципал сайловлар ўтказилди. Дастлабки сайлов

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар



МАС томонидан исроилликларга қарши амалга оширилган қуроли ҳужумлар 22 январь кундан кейинги энг кучлиси бўлди. Эслатиб ўтаемиз, ўша кун Фаластин ҳукумати ХАМАС билан исроилликларга қарши ҳужумларни тўхтатиш бўйича бир тўхтамага келганини билдирганди. ХАМАСнинг ҳужумлари дан сўнг Исроил томони фаластинликлар билан музокаралар тўхтатиш шартини маълум қилди. Махмуд Аббос эса ўшбу ҳодисадан кейин Газа секторида Фаластин хавфсизлик кучлари кўмондони ва яна икки нафар юқори лавозимли ҳарбийни ўз вазифалари-

га нисбатан ҳужумларнинг олдини олиш ва жангариларнинг тинчлик битимига амал қилишини таъминлаш тўғрисида бўйруқ берди. Кеча Фаластин раҳбари жангарилар билан музокаралар ўтказиш учун Газа секторида келди ва улардан ҳужумларни тўхтатишни талаб қилди. Яқин кунлар ичида Исроил бош вазирининг қароргоҳида Махмуд Аббос ва Ариэль Шарон ўртасида янги учрашув бўлиб ўтиши режалаштирилган. Балки ўшанда сайёранинг «оловли нукталардан бирининг барҳам топишига замин яратилар...

мамлакат пойтахти Ар-Риёда бўлиб ўтди, яқин икки ой ичида бошқа вилоятларда ҳам ўтказилди. Махаллий вакиллик органларидаги 592 ўринга 1800 га яқин номзод кураш олиб бормоқда. Дастлабки натижалар бугун эълон қилиниши кутилмоқда.

Адвокат террорчилар билан шерик экан

Нью-Йорк федерал суди 65 ёшли адвокат Линн Стюартни террорчилар билан алоқадорликда айбдор деб топди. Линн 1993 йилда Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо марказида уюштирилган террорчиликда айбланиб, умрбод қамқоқ жазосига ҳукм қилинган шайх Умар Абдул Раҳмоннинг адвокати бўлган. У шайхнинг қамқоқдан ўз тарафдорларига юборган хабарларини ётқизиб турган. Ушбу ҳаракатлари билан Линн Стюарт мамлакат миллий хавфсизлигини таҳдид остида қолдирган, дейилади Reuters ахборот агентлиги тарқатган маълумотда.



Салим ДОНИЁРОВ.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИКҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қурилиш тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шартли билан танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

- 1. Самарқанд шаҳридаги СП-1 оқова сувлар насос станциясини кенгайтириш. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 6 ой.
2. Самарқанд шаҳридаги 450 ўринли «Қурилиш» йўналишидаги касб-хунар коллежи қурилиши. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 10 ой.
3. Пастдарғом тумани, Чархин кўрғонидagi қурилаётган терапевтлик корпус биносини физиологик йўналишидаги 26 ўринли акушерлик корпусига мослаштириш. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 8 ой.
4. Самарқанд вилояти, Булунгур тумани, А.Махсумов ширкат хўжалигини газ билан таъминлаш. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 4 ой.

Буюртмачи — Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси. Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: 35-82-86. Қурилиш ишлари давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

- 1. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Чархин кўрғонидagi мавжуд «Узсельхозтехника» оморларини «Улугбек Тола» МЧЖ пахта сақлаш оморига қайта таъмирлаш. Қурилиш ишларини бажариш муддати — 6 ой.

Буюртмачи — «Улугбек Тола» МЧЖ. Манзили: Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Чархин кўрғони. Телефон: (3662) 24-53-95. Қурилиш ишлари «Улугбек Тола» масъулияти чекланган жамияти маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.

Ҳужжатларнинг бир тўлаими (комплект) қиймати — 40000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилди.

Фермер хўжаликлари бундай кредитларни олиш учун ўзларига узоқ муддатга ижарага берилган ердан жорий йилда олинган бўлса ҳосилни кредитнинг қайтарилиш таъминоти сифатида тақдим этадилар. Шартномада гаровга қўйилган ҳосилни «Уздоммаксулот» ва «Пахтаसानоат» тайёрлов корхоналарига ва бошқа хўжалик субъектларига сотишдан тушган барча пул маблағлари, биринчи навбатда, ушбу кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилиши тўғрисидаги шартлар белгилаб қўйилади.

Фермер хўжаликлари имтиёзли кредитдан фойдаланиш билан бир вақтда ўз фаолияти учун бошқа кредитлардан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар. Аммо, ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, тижорат банклари томони-

сан, тижорат банклари фермер хўжаликларига уларнинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлар беришни йўлга қўйди. Бунда ер участкасини ижарага олиш муддати уни ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиб олинган бўлган қайтарилиш шартномада белгиланган муддатдан камида 5 йилга ортқ бўлиши лозим.

Ушбу кредитларни бериш муддатлари кредитланаётган тадбирнинг қоплиши муддатларига боғлиқ бўлади. Жумладан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдирish мақсадларига йўналтирилган кредитлар одатда 2 йилдан кам бўлмаган муддатга ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган кредитлар 5 йилгача бўлган муддатга берилиши мумкинлиги белгиланган.

талаблар қондирилганидан кейингина давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилиши мумкинлиги ҳам Низомда белгилаб қўйилган.

Тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш фақат юқоридаги тартиблар билан чегараланмайди. Марказий банк ўзининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашга доир бир қатор меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, уларни соддалаштирди.

Янги меъёрий ҳужжатларда қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш фаолиятлари учун зарур маблағларни тўлдирishга 2 йилдан кам бўлмаган муддатга банк кредитлари берилиши белгилаб қўйилди. Бу ўзгартришлар, табиийки, тижорат банкларининг мустақил

қомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликлари эса 5 минг АҚШ долларигача ҳажмда эквивалент миқдорда микрокредитлар берилмоқда.

Улардан фойдаланганлик учун фойза ставкалари мижоз ва банк ўртасидаги кредит шартномасига асосан, ўзаро келишувга мувофиқ, аммо Марказий банкнинг расмий қайта молиялаш ставкасидан ошқ бўлмаган ҳажмда ўрнатилади. Агар микрокредит тижорат банкларининг махсус микрокредитлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан ажратилаётган бўлса, бу ҳолда, унга ҳисобланадиган имтиёзли фойза ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдориди, мабодо кредитлаш бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари берилишига амалга оширилаётган бўлса, фойза ставкалари қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қис-

бўлган, республикада ишлаб чиқарилимайдиган асосб-ускуналар, хомашё ва бутловчи қисмлар импортига ажратилади.

Натижада тижорат банклари иқтисодиётнинг реал секторидagi деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлаш борасидаги фаолиятларини фаоллаштириб юбордилар. Айтиш мумкинки, ҳозирда ноқий қишлоқ хўжалиги соҳасига кредит ресурслари оқиб кела бошлаб, минглаб фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш имконига эга бўлдилар.

Бунинг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтириш мумкин. 2004 йилда кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий миқдори, фермер хўжаликларига галла ва пахта етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 422,8 млрд. сўмини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2001 йилдагига нисбатан 2 мартадан кўпдир. Ана шу кредитларнинг 99,3 млрд.сўми фермер ва деҳқон хўжаликларига берилдики, бу маблағ 2001 йилдаги таққослаганда 10 баравардан кўпроқни ташкил этади.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, Марказий банк ўзининг қайта молиялаш ставкаларини инфляция даражасининг суръати, пул бозоридagi талаб ва тақлиддан келиб чиққан ҳолда доимий равишда қайта кўриб чиқмоқда. Марказий банк қайта молиялаш ставкаси 2000 йилдан кейинги даврда 8 марта қайта кўриб чиқилди, унинг даражаси йиллик 36 фоиздан 16 фоизгача туширилгани бунинг тасдиғидир.

Қайта молиялаш ставкасининг пасайиши тижорат банкларига сотиб олинган кредит ресурсларининг қийматини камайтириш имконини беради. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун банкларнинг кредит маблағлари берилишига кенг йўл очди.

«Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфра-тузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур», — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бу устувор вазафани бажариш йўлида республика Марказий банки бошчилигидаги бутун бошли банк тизими қишлоқ хўжалиги корхоналари учун бундан буён ҳам ўзаро манфаатли ҳамкор бўлиб қолаверад.

Ҳайдор НУРМУРҲОТОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг Банк тизимига методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори.

Тадбиркорлик мавзусида давра суҳбати

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Халқаро молия корпорацияси ҳамкорлигида «Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янада тақомиллаштиришда иқтисодий ислохотларнинг аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унинг иштирокчилари тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш, солиққа оид ҳужжатларни мукаммаллаштириш, бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш масаласига катта эътибор бераётганлигининг гувоҳи бўлдим, — деди ХМК техник кўмак бериш дастурининг раҳбари Татьяна Лозанская.

Давра суҳбати қатнашчилари республикада ХМКнинг техник ёрдам дастури лойиҳаларини амалга ошириш борасида тўпаланган тажриба билан ҳам танишдилар.

М. ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

дан фермер хўжаликларига кредит ажратилиш жараёнида мавжуд бўлган энг асосий муаммо — бу фермер хўжаликларининг кредитларни қайтариш таъминоти сифатида гаровга қўйилган ликвидли мулкнинг мавжуд эмаслиғидир. Бундай ҳолат ҳар қандай янги шаклланаётган мулкчиликка ҳис қонунга тўғрисида. Марказий банк ўшбу муаммони ҳал этиш мақсадида доимий изланишлар олиб борди. Пировадда масаланинг ечимини фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини кредит олиш учун банкка гаровга қўйиш имкониятини вужудга келтиришда эканлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунида фермер хўжаликлари томонидан ерни ижарага олиш ҳуқуқи фақат ерни ижарага берувчи орган розилиги билан гаровга қўйилиши мумкинлиги белгиланган эди. Бу ҳол, албатта, фермер хўжалигининг банддан кредит олиш учун ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олиш ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, 2004 йил апрель ойидан амалга киритди. Ушбу Низомга асо-

Инвестиция мақсадларига бериладиган кредитлар бўйича имтиёзли муддат шартнома асосида белгиланиши мумкин. Яъни, маълум бир муддат ўтгандан кейин кредит учун ҳисобланган фоизлар тўлови талаб этилади.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида қабул қилинган ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқининг қиймати талаб этилаётган кредит суммасини қайтариб беришга етарли бўлмаган тақдирда, қарз олувчи қўшимча тарзда бошқа таъминот шакллари ҳам тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай таъминот сифатида фермердаги мавжуд мулк, олинган кредитни қайтармаслик хатари суғуртаси, учинчи шахснинг кафиллиги ва бошқалар қабул қилиниши мумкин.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиб, банддан кредит олишининг яна бир муҳим афзаллиги шундан иборатки, бунда фермер хўжалиги нафақат галла ва пахта етиштириш харажатларини қоплаш, балки бошқа ҳар қандай қишлоқ хўжалиги эканини парваришлаш, техника сотиб олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини барпо этиш ва бошқа тадбирлар учун ҳам кредит олиш мумкин.

Харакат қилиши, қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти хусусиятларини ҳисобга олиш, ўзининг кредит ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиши, умуман, мамлакатимизда ишбилармонлики ривожлантириш, ўртақкорлар қатламини тизорек таркиб топтиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Ана шундай меъёрий ҳужжатлар сифатида «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш Тартиби» ҳамда «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш Тартиби» ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай нишомлар ва йўриқномалар бутун бошли банк тизимининг қишлоқ хўжалигида кичик ишлаб чиқарувчиларга хайрихоҳлик билан қараб, уларга хизмат кўрсатишнинг янги турларини тақлиф этаётганидан бир нишонандир. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу тартибларнинг тайёрлиши жараёнида маҳаллий ва хорижий экспертларнинг фикр-хулосалари ҳам эътиборга олинган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд харажатлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликларига миллий ва чет эл валютасида (Марказий банк курси бўйича) 10 минг АҚШ доллари, юридик шахс ма-

мидан 1/3 қисми миқдоригача белгила-нади.

Эндиликда банк томонидан берилаётган микрокредитларнинг ярмини, яъни 50 фоизини деҳқон ва фермер хўжаликлари ўзларининг лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида керакли уруғлик, кўчат, қорамол, парранда, омихта ем, ветеринария дори-дармонлари сотиб олишлари учун нақд пул шаклида ҳам олишлари мумкин.

Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари эса ўз фаолиятларини бошлаш учун «Тадбиркорбанк» ва Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдориди Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмига тенг, яъни йиллик 2,67 фоиз устам ҳисобидан бошлангич сармоини шакллантиришга 2 йил муддатга, ҳисобланган фоизлар тўловини 12 ойга кечиктирган ҳолда кредитлар олиш имкониятига эгадирлар. Бу эса янги фермер хўжаликлари ва юридик шахс мақомидagi деҳқон хўжаликлари учун бирон-бир қийинчиликсиз фаолият бошлашларига имкон беради.

14 февраль — Захриддин Мухаммад Бобур туғилган кун



# Сўзимни ўқуб англафайсен ўзимни...

Истеъдодли шоирларимиздан бири миллат тарихида ўтган буюк инсонларни шу миллатнинг, шу халқнинг сунган тоғлари, деб лутф қилган эди. Бу лутфда катта ҳақиқат бор. Чунки тарихда бу халқ, бу миллат ўз бағрида шундай буюк зотларни етиштирганлиги учун ҳам умминсоният эътирофига ва эҳтиромига мушарраф бўлажадир.

Буюк шоир ва давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобур халқимизнинг ана шундай фарзанди, миллий фахри ва гурури, яъни сунган тоғларидандир. Ўзбек мумтоз адабиётининг нодир саҳифаларини ташкил этувчи Бобур шеърятини, мана неча асрларки, яшаб, ўз гўзаллиги, теран

инсоний маънолари билан бизни сеҳрлаб, ҳайратлантириб ва таҳсинларга сазовор бўлиб келмоқда. Бобур газаллари асосида яратилган кўшиқлар — мусиқа санъатимиз дурдоналари ва маънавий оламимиз бе-закларидир. «Бобурнома» эса ўз даврининг қомусий манзараларини саҳифаларига жо этган буюк бир ёзма обида сифатида

умминсоний маданият хазинасидан шарафли ўрин эгаллаган. «Бобурнома» ўзбек адабиётининг дунёда энг машҳур асарларидан биридир.

Улуғ шоир ва давлат арбоби Бобур оғир синовларга бой ҳаётни бошдан кечирди, қайғули ва қувончли кунларни кўп кўрди. Аммо ҳеч қачон иймонининг юксаклигини, руҳиятининг баркамол-

лигини, қалбининг ва ҳис-туйғуларининг дилбарлигини йўқотмади. Мана шундай буюк ва бетакрор Шахс ички дунёси Бобур шеърятинида теран, ўта ҳалол ва юксак бадиий шаклларда ўз ифодасини толган. Бежизга у:

**Ҳар вақти кўргасен  
меннинг сўзимни,  
Сўзимни ўқуб  
англафайсен  
ўзимни, —**

демаган. Бундай дейишга Бобур минг бор ҳақли эди. Алишер Навоидан кейин она тилимизнинг лугавий бойлиги, бадиий ифода имкониятлари, ўзига хос наволари ва ҳаволари Бобур ижодида кучли даражада намоён бўлди. Куйида шоир ижоди-дан айрим қатраларни сизга тақдим этамиз.

## Яхшилик

**Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик?**  
Кимки, ондин яхши бўл, кўз тутма ондин яхшилик!

**Гар замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,**  
Кўрмадм ҳарсиз, нетайин, бу замондин яхшилик!

**Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун кўнгулма,**  
Келмади жонимга ҳеч орами жондин яхшилик.

**Эй кўнгул, чун яхшидан кўрдунг ямонлик асру кўп,**  
Энди кўз тутмак не маъни ҳар ёмондин яхшилик?

**Бори элга яхшилик қилмак, мундин яхши бўл —**  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик!

**Яхшилик аҳли жаҳондан истама Бобур киби,**  
Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик?!

## Рубойлар

**Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,**  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир,  
Яхши киши ёмонлик қўрмай ҳарсиз,  
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.

**Толғу йўғи жонимга бағилиқ бўлди,**  
Ҳар ишники айладим, ҳаттолик бўлди.  
Ўз ери кўюб Ҳинд сори юзланди,  
Ё раб, нетайин, не юз қаролик бўлди?

## Фардлар

**Кутулмоқ фироқиндин осон эмас,**  
Етишмак висолинг имкон эмас.

**Дардинг ўлас, шожни нетайин?**  
Сенсинг тахлу тожни нетайин?

## Коллеж талабалари пешқадам



Фарғонада бокс бўйича 1986-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 186 нафар боксчи ғолиблик учун баҳс юритди. Биринчиликда асосий совринли ўринлар учун кураш Республика олимпия захи-ралари коллежи талабалари ўртасида кечди. Улар ўн икки вазн тоифасидан 8 тасида ғолибликни қўлга киритдилар.

— Баҳром Хидиров, Мрав Азрян, Элдор Турсунов, Баҳодир Мамажонов, Алибек Карабаев, Миракром Миракбаров, Дилшод Бобононов, Ахор Муралимовлар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллашди.

Қолган тўрт вазн тоифасида фарғоналик Сардор Абдуллаев, андижонлик Улугбек Холмуродов ва Тошкент вилоятдан Азамат Кулмонов ва Абдулазиз Матазимовлар шохсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Фарғонада бокс бўйича 1986-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 186 нафар боксчи ғолиблик учун баҳс юритди. Биринчиликда асосий совринли ўринлар учун кураш Республика олимпия захи-ралари коллежи талабалари ўртасида кечди. Улар ўн икки вазн тоифасидан 8 тасида ғолибликни қўлга киритдилар.



## Волейболчи қизлар баҳси

Навоий вилоятида волейбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати биринчи тур ўйинлари қизгин давом этмоқда. Беллашувда Тошкентдан учта жамоа, шунингдек, Фарғонанинг «Нефтчи», Бухорининг «Университет» ҳамда Навоийнинг «Ника» жамоалари қатнашмоқда. Биринчи тур ғолиблари номи 15 февраль кунини маълум бўлади.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»  
ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИНING

### «O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHИ» ОАЖ

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР БИЛАН  
ЙЎЛОВЧИЛАРНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БЎЙЛАБ ТАШИШ БЎЙИЧА  
ШАРТНОМАЛАР ТЎЗИШ  
ИМКОНИЯТИГА ЭГА.

ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ ЙИЛЛИК ВА БИР МАРТАЛИК  
ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БЎЙИЧА ЙЎЛОВЧИ ВА ШАХАР  
АТРОФИГА ҚАТНОВЧИ ПОЕЗДЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХОШИГИГА КўРА,  
ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ БИРОР КИШИГА ЕКИ ТАЛАБ  
ҚИЛУВЧИ НОМИГА ЁЗИБ БЕРИЛИШИ МУМКИН.

Маълумот учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700060,  
Тошкент шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 34-уй. Телефон: 138-82-20.

Хизматлар лицензияланган.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ  
КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!  
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР  
ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ,  
«ГАЗ» ОАЖ да ишлаб  
чиқарилган барча турдаги  
моделларига буюртмалар  
қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар:  
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01;  
132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗ-31105»  
«ИЖ-2717»  
«ВАЗ-2106»  
«ГАЗЕЛЬ»

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ТЕХНИКАСИ ВА ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР  
БАЗАСИНИНГ ТОШКЕНТ  
ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Тошкентдаги омборхонадан  
Россия Федерацияси заводларида  
ишлаб чиқарилган  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ШИНАЛАРИ ВА ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ  
пул ўтказиш йўли билан  
арзон ва сифатли маҳсулотларни  
таклиф қилади.

Пахта ва ғалла (23210..., 23220...)  
траншларини ҳам қабул қилади.

Мурожаат учун  
телефонлар:  
132-12-07,  
41-09-20,  
41-49-43,  
41-50-04.  
Факс:  
132-12-04.

Спорт

### Испания йўлланмаси учун

Тошкентдаги Марказий ҳарбий спорт клубида таъқвондининг ВТФ йўналиши бўйича қора белбоғ соҳиблари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Икки юз нафарга яқин спортчи иштирок этаётган маъруз мусобақада ҳозирча Самарқанд, Андижон ва Бухоро вилоятлари вакиллари фаол иштирок этапти.

— Ушбу чемпионат апрель ойида Испанияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик вазифасини ўтади, — дейди республика таъқвондо ВТФ федерацияси бош котиби Аълам Муллаев. — Мусобақа ғолиб ва совриндорлари орасидан терма жамоамизга номзодлар саралаб олинади.

Коллеж талабалари пешқадам

Фарғонада бокс бўйича 1986-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 186 нафар боксчи ғолиблик учун баҳс юритди. Биринчиликда асосий совринли ўринлар учун кураш Республика олимпия захи-ралари коллежи талабалари ўртасида кечди. Улар ўн икки вазн тоифасидан 8 тасида ғолибликни қўлга киритдилар.

— Баҳром Хидиров, Мрав Азрян, Элдор Турсунов, Баҳодир Мамажонов, Алибек Карабаев, Миракром Миракбаров, Дилшод Бобононов, Ахор Муралимовлар ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллашди.

Қолган тўрт вазн тоифасида фарғоналик Сардор Абдуллаев, андижонлик Улугбек Холмуродов ва Тошкент вилоятдан Азамат Кулмонов ва Абдулазиз Матазимовлар шохсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

Муҳимлик шаклидан қалъи навар барча қурилиш корхоналари ва тўдирчи ташкилотлар диққатига!

### «ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИГА ҚАРАШЛИ ҚАШҚАДАРҒИ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қурилишни тўлалигича қуриб  
фойдаланишга топшириш шартин билан  
танлов савдоси эълон қилади:

1. Қашқадарғи вилояти, Мубрак тумани, Хитой қишлоғида 600/50 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши.  
Қурилишни тугаллаш муддати — 300 кун.
2. Қашқадарғи вилояти, Қарши шаҳрида 300 ўринли банк (компьютер технологияси) коллежи қурилиши.  
Қурилишни тугаллаш муддати — 210 кун.
3. Қашқадарғи вилояти, Шаҳрисабз шаҳрида гимнастика зали қурилиши.  
Қурилишни тугаллаш муддати — 210 кун.

Буюртмачи — Қашқадарғи вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзил: Қашқадарғи вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.  
Телефонлар: (375) 227-16-56, 227-19-82.  
Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари куйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоизи миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек ўрнатиш иншоотларини қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси.

Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.  
Тел./факс: 221-07-79, 221-16-01.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин билан юқоридаги инжиниринг компанияси биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Ўқуратли юртдошлар!  
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки

Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА — замонвий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

### «АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ - БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда ўртача ойлик қолдиққа 2% даромад тўлаш.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Ҳаражатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда сўғурта қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, «Асака» банки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит қутчаларини ижарага беради.

ASAKA BANK

9860 0202 0000 00000  
Mr. Cardholder

Маълумот учун телефонлар:  
120-83-14, 120-39-18, 144-56-55  
125-50-26, 120-84-07

«Асака» банкининг пластик карточкалари — бу жуда қулай, ишончли ва самаралидир!

Тошкент шаҳар А. Икромов туманидаги «ШАХСТРАНС-СЕРВИС» ОАЖи акционерларининг умумий мажлиси қарорига асосан «ШАХСТРАНС-СЕРВИС» ёпиқ акционерлик жамиятига ўзгартирилди. Код ОКОНХ 51410.  
Маълумот учун телефон: 74-91-52.  
Манзил: Тошкент ш., А. Икромов тумани, Уйғур кўчаси, 487-«а» уй.

«Ўзтеледиоркомпания» жамоаси Ўзбекистон халқ артисти  
Ориф АЛИМАХСУМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган қасаба уюшма кўмитаси университетининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси доценти Эльтбор Хановага падари бузруквори МАНСУР отаниннг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган қасаба уюшма кўмитаси университет босмахонасининг директори Маъмуржон Маълабаева турмуш ўртоғи САЛОМАТХОН опаниннг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва миянақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.  
Таҳририятда ҳажми 5 қозғоқдан зиёд материаллар қабул қилинади.  
Тижорат материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.  
Набатчи — Х. Эшматов,  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.30 12345